



ОРАЛИҚ МАСОФАНИ САҚЛАМАСЛИК - ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИНГ ҲАЙДОВЧИЛАР ТОМОНИДАН БУЗИЛИШИ ОҚИБАТЛАРИ

Бахтиёр Раҳмат

Расул Ҳамроқулов

Самариддин Шамсiddинов

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация: Сўнгги вақтларда юртимизда транспорт воситалари оқимининг кескин ошиб бориши, иирик шаҳарларда транспорт воситаларининг белгиланган меъёридан ҳам кам тезликда ҳаракатланиши, катта чорраҳаларда транспорт воситаларининг оралиқ масофаларни сақламасликлари оқибатида кескин равишда йўл-транспорт ҳоди-саларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда жароҳат олганлар сони ўсиши ва уларни олдини олиши ҳамда камайтириши чора-тадбирлари ҳақида.

Калим сўзлар: баҳтсиз ҳодиса, ҳаракатни нотўғри ташкил этиши, тезликка риоя этмаслик, йўлларнинг ҳолати, мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари.

Abstract: In recent times, there has been a sharp increase in the flow of vehicles in our country, the movement of vehicles in large cities at a speed even less than the established norm, the sharp increase in traffic accidents caused by the fact that vehicles do not maintain intermediate distances at large intersections, as a result of which the number of killed and injured

Key words: accident, improper organization of traffic, speed violation, condition of roads, existing infrastructure, accident hotspots.

Жорий 2023 йилнинг 8 ойи давомида республикада жами йўл-транспорт ҳодисалари сони 5,2 фоизга ёки 3 560 тадан 3 745 тага (185 тага), тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатлар 7,4 фоизга ёки 2 775 тадан 2 981 тага (206 тага) ошишига йўл қўйилган.

Ўлим билан боғлиқ ҳолатлар атиги 2,6 фоизга ёки 20 тага (784/764), йўлларда вафот этган фуқаролар эса 7,5 фоизга ёки 71 тага (944/873) камайган холос.

Тошкент шаҳрида 2023 йилнинг 31 августига умумий содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 836 та, ўтган 2022 йилнинг шу даврига 720 тани ташкил этган бўлиб, 116 тага ўсанлигини қўриш мумкин.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2023 йил 01 апрель ҳолатига доимий аҳоли сони 36 197 781 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг шу даври билан солиширилганда 2,2 фоизга кўпайган, шу билан бирга статистика агентлигининг олинган идоравий маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 01 январь ҳолатига Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобиллар сони 3 637 119 тани ташкил этган. Ахолига тегишли жами автотранспорт воситаларидан:

- Енгил автомобиллар – 3 396 520 та
- Юк автомобиллари – 219 628 та

- Автобуслар – 6 666 та
- Микроавтобуслар – 8 961 та
- Максус транспортлар – 5 344 та.

Бундан яққол кўриниб турибдики, аҳолининг транспорт воситасига бўлган эҳтиёжи борган сари жадал равишда ўсиб бормоқда. Сўнгги вақтларда юртимизда транспорт воситалари ошиши, транспорт воситалари оқимининг кескин кўпайиши, йирик шаҳарларда транспорт воситаларининг белгиланган меъёридан ҳам кам тезликда ҳаракатланиши, белгиланган манзилига “тезроқ этиб олиш” мақсадида катта чорраҳаларда транспорт воситаларининг оралиқ масофаларни сақламасликлари оқибатида кескин равишда йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ва тан жароҳати олганлар сони ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда Президентимиз ташшабуслари билан Республикашимиз, айниқса Тошкент шаҳри йўлларига катта эътибор қаратилмоқда. ЙТҲларнинг қарийб тўртдан бири ҳайдовчилар томонидан бошқарилаётган транспорт воситасининг тезлигини ошириш, оралиқ масофани сақламаслик оқибатида юзага келган. Тошкент шаҳри буйича 2023 йилнинг 8 ойи давомида йўл ҳаракати қоидасининг ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларини бош-қаришда **оралиқ масофасини сақламаслик** оқибатида жами 59 та ҳолат аниқланган бўлса, ўтган 2022 йилнинг шу даврига 37 та содир этилган, бу 22 тага кўп бўлиб, 59,5 фоизга ўсган. Ҳалок бўлганлар 3/3 бўлган, жароҳат олганлар эса ўз навбатида 71/52 тани ташкил этиб, 19 тага ўсган, яъни 36,5 фоизни ташкил қилган.



Шундан, давлат ташкилотлари ва корхоналарига тегишли транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан оралиқ масофани сақламаслик оқибатида

НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



жами ЙТҲ 2023 йилнинг 8 ойи давомида 5 та , 2022 йилнинг 8 ойи давомида 9 та , ҳалок бўлганлар 0/1, жароҳат олганлар 9/10 ни ташкил этган.

Шахсий транспорт воситасига эга ҳайдовчилар томонидан оралиқ масофани сақламаслик оқибатида 2023–2022 й.й.ларнинг шу даврига жами ЙТҲ 54/28 тани, яъни 26 тага ўсганлиги ва бу 92,9 фоизни ташкил этганлиги, ҳалок бўлганлар сони 3/2 бўлиб, 1 нафарга кўп эканлиги ва 50 фоизни ташкил этишини кўришимиз мумкин. Жароҳатланган сони 62/42 тани ташкил этиб, 20 тага кўп эканлиги ва бу 47,6 фоизни ташкил этганлигини кўрамиз.

2022 йилнинг 11 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигига илк бор йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласида видеоселектор йиғилишида, шунингдек 2022 йилнинг 04 апрель куни ПҚ-190-сонли “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилиши, шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги, жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилиши кўрсатиб ўтилган.

Айнан инсон омили билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаси содир этилиши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу ЙТҲларнинг асосий сабаби, ҳайдовчиларнинг оралиқ масофани сақламаганликлари, белгиланган тезликка риоя этмаслиги, ҳайдовчининг тажрибасизлиги ҳамда пиёдаларга йўл бермаслик, светофор ва йўл белгиларига риоя қилмаслик каби ҳолатлар бўлган. Хулоса қилиб айтганда, диёrimизда йўл ҳаракати қоидасини ҳайдовчилар томонидан бузилиши яъни айнан транспорт воситаларининг оралиқ масофаларни сақламасликлари оқибатида кескин равишда йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда жароҳат олганлар сони ўсиши ва уларни олдини олиш, камайтириш ҳамда самарадорлиги бу: Ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларининг оралиқ масофани сақламаслик оқибати ЙТҲларнинг олдини олишни йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг, бошқарув орқали тезкор ва тизимли ҳаракатни таъминлашдан; Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидасини бузилишини айнан оралиқ масофани



сақламаслик оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари энг қўп содир бўлаётган ҳудудларни аниқлашдан; ЙТҲлар содир бўлган ҳудудларда йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини ошириш учун нокулай омилларни бартараф этишга қаратилган керакли чора тадбирларни режалаштириш; режалаштирилган тадбирларнинг самарадорлигини ва уларни амалга ошириш натижасида баҳтсиз ҳодисалар сонининг тахминий камайишини ҳисобга олган ҳолда тадбирларни ўтказиш харажатларини баҳолашдан иборатdir.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2022 йилдаги 190-сонли қарори.
2. “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўз.Р. ВМнинг қарори, 12.04.2022 йил. №172.
3. Аземша С.Н., А.Н.Старовитов. Применение научных методов в повышении БДД. Гомель, 2017 год.
4. Қ.Х.Азизов: “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”. Тошкент 2009.- 264 б.
5. Сильянов В.В. и др. Безопасность дорожного движения. Справочная энциклопедия водителя (СЭД). Т. VIII.–М.:ФГУП «ИНФОРМАВТОДОР», 2008.
6. Клинковштейн Г.И., Афанасьев М.Б. Организация дорожного движения: Учеб. Для вузов – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Транспорт, 2001.
7. Кременец Ю.А., Печерский М.П., Афанасьев М.Б. “Технические средства ОДД” : учебник для вузов. – м.: ИКЦ «Академкнига», 2005.
8. Методические рекомендации по назначению мероприятий для повышения безопасности движения на участках концентрации ДТП. – М.: Федеральное дорожное агентство (РосАвтоДор), 2006
9. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ статистика маълумотлари @Militsiya_Uzb.
10. <https://cyberleninka.ru/article/n/haydovchilarni-tayyorlashda-raqamli-o-zbekiston-2030-dasturini-joriy-etish>
11. <http://innosci.org/index.php/JISES/article/view/151>
12. <http://innosci.org/index.php/JISES/article/download/149/125>